Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 19 МАРТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 65 – 66 (12.878 – 12.879)

Баҳоси эркин нархда

Сайлов — 2015

ЮРТДОШЛАРИМИЗ САЙЛОВНИ АЪЛО КАЙФИЯТДА КУТМОҚДА

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳаётга жорий этилаётган демократик ўзгаришларнинг амалий натижалари халқимиз, жамоатчилигимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда. Бу халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларига тўла мувофиқ равишда ўтказилаётган сайлов жараёнларида янада яққол намоён бўлмоқда.

2014 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказилган сайловда сайловчиларнинг қарийб тўқсон фоизи иштирок этгани бунинг исботидир. Жорий йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юртдошларимиз кўтаринки кайфиятда кутмоқда. Зеро, бу сайловнинг мамлакатимиз тараққиёти, унинг эртанги куни учун нақадар муҳим аҳамиятга эга экани барчага маълум.

– Бўлажак сайлов нафақат мамлакатимиз, ҳар биримизнинг, фарзандларимизнинг келажагига бевосита дахлдор, – дейди Яшнобод тумани Парвоз маҳалласида яшовчи Муборак Мадраҳимова. – Оммавий ахборот воситалари орқали ҳамда сайлов участкасидаги мавжуд маълумотлар асосида Президентликка номзодларнинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастури, қандай мақсадларни илгари сураётганини қизиқиш билан ўрганиб чиқдим.

Мазкур маҳаллада жойлашган 350-сайлов участкаси сайловчилар билан ҳар куни гавжум.

– Фуқароларга сайловга таклифнома ҳали тарқатмасимиздан бурун уни сўраб келувчилар учради, – дейди 350-участка сайлов комиссияси раиси Гулнора Исломова. – Одамларимизда Президент сайловида овоз бериш орқали ёруғ келажакни қуришга ҳисса қўшиш истаги юқорилиги сезилиб турибди. Уларнинг бу хоҳиш-иродасини амалга ошириши учун сайлов участкамизда барча шароит яратилган. Уч мингга яқин сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг барчасига сайловга таклифнома берилди. Кўпчилик фуқаролар сайловчилар рўйхати билан бевосита танишиш ҳамда номзодлар ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун сайлов участкамизга келмоқда.

– Маҳалламизда турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади, – дейди Шайхонтоҳур тумани Лабзак маҳалласида жойлашган 471-участка сайлов комиссияси раиси ўринбосари Музаффар Аҳмедов. – Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик, меҳр-оқибат муҳити мустаҳкам қарор топгани маҳалладошларимизнинг ҳамжиҳатлигига замин яратган. Фуқароларнинг Президент сайловига тайёргарлик жараёнида ҳар қачонгидан яқдил ва фаоллиги кўзга ташланмоқда. Бу уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб бораётганидан далолатдир.

– Ўтган йилги парламент сайловида ёшимни ҳурмат қилиб, соғлигимни эътиборга олиб сайлов қутисини уйимга олиб келишганди, – дейди шу маҳаллада яшовчи Рихсибой ота Қодиров. – Бу сафарги сайловда овоз бериш мен учун жуда муҳим. Ахир мамлакатимизнинг келгуси беш йиллиқда ҳам ҳар томонлама жадал ривожланиши, халқаро ҳамжамиятда муносиб обрў-эътибор топиши унинг бошқарувига боғлиқлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шунинг учун барчамиз муносиб номзодга овоз беришимиз, эртанги дориломон кунлар учун пойдеворни янада мустаҳкамлашимиз муҳим аҳамиятга эга.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИМКОНИЯТЛАРИ НАМОЙИШИ

Пойтахтимизда Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари, магистрантлари, профессор ва ўқитувчиларининг дастурий ҳамда техник ишланмалари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти, шунингдек, «Uzinfocom» ва «Unicon» марказлари кўмагида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Х.Мирзоҳидов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев ва бошқалар бутун дунёда илм-фан, техника ва ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг юксалишига хизмат қиладиган юқори технологиялар тармоғини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бунинг самарасида мамлакатимиз дастурий маҳсулот ишлаб чиқувчиларини қўллаб-қувватлаш, миллий ахборот ресурсларини кўпайтириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Дастурий ва техник ишланмалар кўргазмаси бунинг яққол тасдиғидир. Унинг экспозициясидан тўқсондан зиёд дастурий ва техник ишланма ўрин олган. Мобиль қурилмалар учун дастурий воситалар, веб-сайт ва иловалар, компьютер ўйинлари, электротехник ишланмалар шулар жумласидандир.

Университетнинг телекоммуникация технологиялари факультети стенди кўргазмага келганларда катта қизиқиш уйғотди. Бу ерда масофадан туриб бошқариладиган «ТАТУ робот», чорраҳаларда тирбандликни автоматик равишда бошқарадиган «Ақлли светофор» тизими каби техник янгиликлар, шунингдек, турли ўйин ва дастурлар намойиш этилди.

– Кўргазмада ўзимнинг «Ақлли чироқ» ишланмамни намойиш этганимдан хурсандман, – дейди университетнинг тўртинчи курс талабаси Шоҳруҳ Бегматов. – Мамлакатимизда ёш дастурчиларнинг қўллаб-қувватланаётгани натижасида тадқиқотлар ўтказиш, тажриба алмашиш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга ҳисса қўшиш имкониятига эгамиз.

Дастурий инжиниринг факультети стенди ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, дизайни миллий услубда яратилган «ЎзЧат» мобиль илова ёшлар эътиборини ўзига тортди.

– Инглиз тилини интерфаол ўрганишга ёрдам берадиган ушбу мобиль илова «Learn words by heart» деб аталади, – дейди тўртинчи курс талабаси Шоҳруҳ Шарипов. – Унинг хусусияти шундаки, инглиз тилида акс эттирилган сўзларни экранда кейинги вазифа тасвирланиши учун тўғри талаффуз қилиш керак. Бу иловани «GooglePlay» онлайн дўконида жойлаштиришни режалаштирмоқдаман.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг талаба ва магистрлари томонидан тақдим этилган кўплаб ишланмалар амалда қўлланадиган бўлди. Масалан, кўргазмада университет талабалари томонидан корхона ва муассасалар учун яратилган ўттиздан зиёд веб-сайтлар намойиш этилди.

– Бу галги кўргазма ўзига хос бўлди, – дейди университет проректори Ли Чул Су. – Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги илк кўргазма экспозициясини мазкур олий ўқув юрти талаба-ўқитувчиларининг ишланмалари ташкил этди. Бу мамлакатингизда ахборот технологиялари соҳаси катта салоҳиятга эга эканидан далолат беради.

Кўргазма доирасида иштирокчилар «Энг яхши мобиль илова», «Энг яхши веб-илова», «Энг яхши Windows-илова», «Энг яхши техник ишланма» номинацияларида махсус сертификат ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

М.ҚАРШИБОЕВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ЮТУҚЛАРИ БИЛАН ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИ

29 мартда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан 300 нафардан зиёд кузатувчи иштирок этади. ЎзА мухбирлари айрим халқаро кузатувчилар билан интернет орқали боғланиб, Президент сайловига тайёргарлик жараёни, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳақида уларнинг фикрлари билан қизиқди.

Профессор Арун МОХАНТИ, Жавоҳарлал Неру номидаги университетнинг Россия ва Марказий Осиёни ўрганиш маркази директори (Ҳиндистон):

– Ўзбекистон истиқлол йилларида ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишда улкан ютуқларга эришди. Ўзбекистон халқининг қисқа вақт ичида демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда эришган муваффақиятлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамасдан, Ўзбекистонда иқтисодиёт суръатлари 2014 йилда ҳам барқарор ўсди. Хусусан, ялпи ички маҳсулот 8,1 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,9, капитал қурилиш ҳажми 10,9, чакана савдо айланмаси 14,3 фоиз ошди ва иқтисодиётга инвестиция киритиш ҳажми 10,9 фоиз кўпайиб, 14,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Ўтган йили Ўзбекистонда умумий қиймати 4,2 миллиард долларга тенг ва юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган 154 йирик замонавий корхонанинг барпо этилгани фахрланса арзигулик натижадир. Иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражасини муттасил ошириш учун мустаҳкам асос бўлаётир.

Миллий манфаатлар инобатга олинган ҳолда, мувозанатли ва пухта ташқи сиёсат юритаётган Ўзбекистонни бутун дунё тан олди, мамлакат халқаро ва минтақавий миқёсда ўз ўрни ҳамда мавқеини мустаҳкамлади. ШҲТ аъзоси сифатида минтақавий хавфсизликни таъминлаш, экстремизм, терроризм ва наркотрафикка қарши курашишда фаол иштирок этмоқда.

Ҳар бир мамлакат миллий сайлов тизимини жамиятининг ўзига хос хусусиятлари ва халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда шакллантиради ва такомиллаштириб боради. Ўзбекистон сайлов тизими самарали ишламоқда.

Барча партиялар – Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва «Адолат» социал-демократик партияси Президент сайловида фаол қатнашмоқда. Ушбу партиялар томонидан Президентликка кўрсатилган номзодлар ўртасидаги сиёсий кураш қизғин кечмоқда. Президентликка номзодлар мамлакатингизнинг барча ҳудудларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Сайловда кўплаб халқаро кузатувчилар иштирок этишидан хабардорман. Масалан, айни пайтда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда МДҲ кузатувчилари миссиялари Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлаган. Бу сайловнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари ва халқаро демократик принципларга мувофиқ очиқлик, ошкоралик ва адолат тамойиллари асосида ўтишидан далолатдир.

Сафо Маҳмуд АЛВОН, «Orient Consulting & Legal Translation» компанияси бош директори (БАА):

– Ўзбекистонга илк бор бундан қарийб 30 йил аввал талабалик пайтимда келгандим. Ўшанда Ўзбекистон халқи, унинг маданияти ва тарихи менда улкан таассурот қолдирганди.

Шундан буён Ўзбекистонда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришларни кузатиб бораман. Мамлакатингиз истиқлолнинг дастлабки йилларидан ўз йўли, яъни иқтисодий ривожланиш ва тарихнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда имкониятларини инобатга олган ҳолда, тараққиётнинг «ўзбек модели»ни танлади.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссиясида навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш мақсадида мамлакатимизга келган Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кузатувчилари миссияси штаби бошлиғи ўринбосари Олег Кулеба 6-Наманган округ сайлов комиссиясида бўлди.

● Андижон шаҳридаги «Камолот» ёшлар боғида вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида «Биз, ёшлар – диний экстремизмга қаршимиз» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

● Сурхондарё вилоятининг Денов туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг «Сурхондарё вилоятининг экологик номақбул ҳудудларида болалар соғлиғи кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш» лойиҳаси доирасида семинар ўтказилди.

● Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг ҳарбий хизматчилари оилалари учун барча шароитга эга кўп қаватли учта янги уй-жой фойдаланишга топширилди.

● Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳарбий қисмларидан бирида бўлиб ўтган тантанали тадбирда муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёш аскарлар қасамёд қилди.

ЖАҲОНДА

● Британиянинг Кардифф шаҳрида Эбола безгаги вирусини юқтириб олганликда гумон қилинган бемор шифохонага ётқизилган. Шифохонага жойлаштирилган бемор яқинда Ғарбий Африкада бўлиб қайтган экан. Маълумки, у ерда Эбола безгаги эпидемияси давом этмоқда. Айни пайтда ушбу бемор Уэльс университети клиникаси врачлари назоратида.

● Канаданинг махсус хизмат ходимлари Торонтода, жумладан, АҚШнинг бу ердаги консулхонаси ёнида ҳам бир қатор террорчилик операцияларини ўтказишга уринган кишини ҳибсга олдилар. Ҳибсга олинган шахс 33 ёшли Жаҳонзеб Малик бўлиб, у 2004 йилда талабалик визаси асосида Покистондан келган. 2009 йилда Канадада яшаш ҳуқуқига эга бўлган. Бироқ, у қайси мамлакат фуқароси экани аниқ айтилмади.

Сайлов — 2015







Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳам саноқли кунлар қолмоқда. Ҳозирда сайловни умумэътироф этилган демократик тамойиллар, халқаро ва миллий сайлов қонунчилиги асосида ўтказишга пухта тайёргарлик ишлари кетмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат сиёсий партиялар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Сайлов қонунчилигининг ушбу қоидасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўз номзодини кўрсатди ва бугунги кунда фаол сайловолди кампаниясини олиб бормоқда.

Ҳудудларда Президентликка кўрсатилган номзод ва унинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Сайловга ҳозирлик кўриш Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг марказий ва барча ҳудудий ташкилотлари қошида ташкил этилган сайлов штабларида ҳам жадал суръатларда кетмоқда.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши қошида тузилган партия сайлов штаби раҳбари Рустам Қосимов биз билан суҳбатда партия сайлов штаби фаолияти, сайловолди ташвиқотини амалга ошириш жараёни хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Сайлов штабимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пухта ҳозирлик кўриш ҳамда уни муносиб тарзда ўтказиш учун барча шарт-шароит ва қулайликлар муҳайё қилинган. Партиямиз давлат ва жамиятимиз ҳаётидаги мазкур муҳим жараёнда муносиб иштирок этишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Маълумки, сайлов штаблари сайлов кампанияси даврида партиянинг сайлов билан боғлиқ фаолиятини, номзод ва унинг ишончли вакиллари, кузатувчилар ҳамда ташвиқот гуруҳлари ишини мувофиқлаштириб боради. Жумладан, штаб сайловга оид қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, ҳуқуқий адабиётлар ҳамда зарур ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган. Бу албатта, партиямиздан кўрсатилган номзоднинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш, Сайловолди дастурини сайловчилар эътиборига етказиш бўйича ишларимизни тизимли ҳамда изчил олиб боришда яқиндан ёрдам бермоқда.

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши қошида тузилган сайлов штабида тайёргарлик қизғин

Ҳафтанинг ҳар душанба куни штаб аъзолари ҳамда партиямиз фаоллари иштирокидаги йиғилишда сайловга тайёргарликнинг бориши, амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилиниб, олдимизда турган муҳим вазифаларни белгилаб оламиз. Айни пайтда сайлов кампаниясининг энг муҳим босқичи — сайловолди ташвиқоти олиб борилмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга асосан номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайловолди ташвиқоти бошланди. Миллий сайлов қонунчилигимизда сайловолди ташвиқотининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган. Ушбу жараённинг тенглилик, адолатлилик, очиқлик ва ошкоралик мезонлари асосида олиб борилиши тўлиқ кафолатланган. Шундан келиб чиққан ҳолда сайлов штаби сайловолди ташвиқотини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларда белгиланган тартибда олиб боряпти. Биз сайловолди ташвиқотини ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлар ва йиғилишлар ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, номзоднинг таржимаи ҳоли ҳамда сайловолди дастури акс этган рисола ва плакатлар ҳамда бошқа тарқатма материаллар ёрдамида амалга оширмоқдамиз. Хусусан, шаҳримизга ажратилган ташвиқот материаллари — номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастурини ўз ичига олган 4190 дона рисола, 51 баннер ва тарғибот воситаларидан унумли фойдаланилмоқда. Номзодни ёқлаб овоз беришга чақирилган кенг форматдаги баннерлар шоҳкўчалардаги ташқи реклама мониторларига жойлаштирилган. Бу каби ишлар барча туман кенгашларимизда ҳам уюшқоқлик билан изчил амалга оширилмоқда. Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ҳозирги кунда ушбу жараённинг фаол иштирокчисига айланган. Жумладан, номзоднинг, ишончли вакилларнинг сайловчилар билан учрашувлари оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси теле ва радио каналларида, шунингдек, ҳудудий телевидение ҳамда радио каналларда сайловчилар билан учрашувлар эфирга узатиляпти, номзоднинг сайловолди дастурига доир ташвиқот роликлари намойиш этилмоқда. Шу ўринда партиянинг матбуот нашри — «Миллий тикланиш» газетаси ва партиянинг Интернетдаги вебсайти имкониятларидан ҳам тўла фойдаланаётганимизни таъкидлаб ўтмоқчиман. Жумладан, газетамиз ва сайтимиз саҳифаларида сайлов қонунчилиги талаб ва нормаларини тушунтириш, Президентликка номзоднинг сайловолди дастурини кенг ташвиқот қилиш юзасидан мақолалар, сайловчилар билан савол-жавоблар, айниқса ёшлар билан суҳбатлар кенг кўламда ташкил этилмоқда. Номзод ва унинг ишончли вакилларининг жойларда сайловчилар билан ўтказаётган учрашувлари ҳам батафсил ёритилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши қошида тузилган партия сайлов штаби сайловолди ташвиқотини олиб боришда сайлов қонунчилигида белгиланган барча имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда, сайловга тайёргарлик жараёнларини ҳар томонлама мувофиқлаштириб бормоқда, десак хато бўлмайди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

Шаҳримизда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Анжуманлар

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ЎРНАТИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Тадбир Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди билан ҳамкорликда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилди.

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар ҳокимликлари ахборот хизмати раҳбарлари, марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда кексалар, ёши улуғ инсонлар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга доимий эътибор қаратиб келинади. Уларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловларни ўз вақтида амалга ошириш доимий назоратда. «Кексаларни эъзозлаш йили»да бу йўналишдаги ишларга янада катта эътибор қаратилмоқда.

Қарияларимизнинг соғлигини тиклаш ва уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида шифо масканлари, сиҳатгоҳлар, спорт-соғломлаштириш мажмуаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, ходимларининг малака ва маҳорати оширилмоқда.

Анжуманда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгилаб берилган устувор, кенг кўламли вазифалар, амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали тезкор, сифатли ҳамда атрофлича ёритиш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишдаги иштироки устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишда журналистларнинг касб маҳоратини оширишга доир масалалар муҳокама этилди.

Иштирокчиларга кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш иштирокчилари ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси учун масъул бўлган вазирлик ва идоралар фаолияти ҳақида маълумот берилди. Дастур доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга оид вазифалар белгилаб олинди.

Абдували СОДИҚОВ

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ЮТУҚЛАРИ БИЛАН ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистонда давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, кучли фуқаролик жамиятини изчил шакллантиришга қаратилган туб ислоҳотлар амалга оширилди. Демократия ташқаридан олиб келинадиган товар эмас. Мамлакат ўз халқининг анъаналари, маънавий қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда, демократик тараққиёт йўлини белгилаган тақдирдагина жамиятни барқарор ривожлантириш мумкин.

Ўзбекистонда демократик янгиланиш бўйича миллий моделнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатни барқарор, хавфсиз ва мустаҳкам ривожлантириш имконини бераётганини таъкидлаш ўринлидир. Ўзбекистон тажрибаси шундан далолат берадики, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Сайловлар кучли фуқаролик жамиятига эга демократик давлатнинг ажралмас қисмидир. Сайловда иштирок этадиган ва демократия кўзгуси бўлган ҳар бир сиёсий партия сайловолди дастурида ўз ғоя, мақсад ва вазифаларини акс эттиради ҳамда шу аснода сайловчилар ишончини қозонишга ҳаракат қилади. Ўзбекистонда сайлов кампанияси (бу жараённи диққат билан кузатиб бораяпман) юксак ташкилий савияда ўтказилаётир. Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари сайловолди ташвиқоти давомида барча сиёсий партиялар учун адолатлилик ва тенгликни таъминлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Радио ва телевидение, матбуотда чиқишларни, сайловчилар билан учрашувларни ташкил этишда бирон-бир чеклаш ҳолати ёки сайлов кампаниясини ўтказишда тўсиқлар кузатилмаяпти. Бу Ўзбекистонда сайлов кампанияси умумэътироф этилган демократик принципларга мувофиқ равишда ўтказилаётганининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Сайловчилар сайловолди учрашувларида фаол иштирок этмоқда. Бу сайловчиларнинг номзодлар сайловолди дастурлари ва умумдавлат аҳамиятига эга муҳим масалалар бўйича позицияларига қизиқиши катта эканини кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг сиёсий партиялари бой мафкуравий ва амалий тажрибаси асосида ички ва ташқи сиёсат масалалари бўйича аниқ позицияларини белгилаб олган, улар ўртасида соғлом рақобат кузатилмоқда.

ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА суҳбатлашди.

Олмазор тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ОЛМАЗОР ТУМАНИДА 2015 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида»ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2015 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Олмазор туманида 2015 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техникаси воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техниканинг ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. «Давтехназорат» инспекцияси (С.Хаитов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (А.Акрамов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Компьютерлаштириш маркази» ДУКнинг Олмазор туман тармоқ администратори (Д.Шоназаров):

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мазкур қарорнинг расмий эълон қилиниши ва www.olmazor.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Туман ҳокимининг 2014 йил 10 январдаги «Олмазор туманида 2014 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги 24-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Д.Искандаров зиммасига юклансин.

Олмазор тумани ҳокими Б.Гаибназаров

2015 йил 13 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Маҳалланг — ота-онанг

ЖАМИЯТ МУСТАҲКАМЛИГИ АСОСИ

Пойтахтимиздаги 299-мактабда таълим муассасаларида таълим сифатини яхшилаш, ўқувчилар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда Шайхонтоҳур туманида фаолият олиб бораётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзолари, туманда жойлашган 262-, 276-, 314-, 316-, 320- умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари, маҳалла фаоллари, маҳалла профилактика нозирлари, мактаб раҳбарлари ва ўқитувчи-мураббийлар иштирок этдилар. Тадбирда туман ҳокимлиги мутасаддилари, туман прокурори Ойбек Миртемиров, туман ички ишлар бўлими бошлиғи Дилшод Турсунбаев ўқувчилар томонидан турли қонунбузарлик ҳолатлари содир этилишининг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида маъруза қилишди.

Тадбир давомида йиғилганларга ибратомуз видеолавҳа намойиш этилди. Унда фарзандлар тарбиясига бепарво ва лоқайд қараш туфайли келиб чиққан мудҳиш ҳолатлар, бунинг оқибатида норасида бир боланинг бевақт ҳаётдан кўз юмганлиги ҳамда онанинг бир умрга ортидан кўз ёш тўкиб қилган фарёди, бу эса ўз навбатида оила учун катта бир фожиага айланиб қолганлиги тасвирланган.

— Мамлакатимизда биз ёшларга кўп имкониятлар яратиб берилган. Ундан унумли фойдаланаётганлар билан бир қаторда, ўзларига фойдадан кўра зиён қилаётган болалар ҳам топилади. Ҳеч қайси бола ёшлигидан жиноят кўчасига киришни ва ота-онасининг юзини ерга қаратишни хоҳламайди, албатта, — дейди тумандаги 267-мактаб ўқувчиси Расулжон Тошев. — Бугунги тадбир биз сингари ўсмир ёшдаги ўқувчилар, уларнинг ота-оналарини эътиборлироқ бўлишга чақиради.

Вояга етмаганлар, ота-оналар иштирокида бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказиб турилиши эса фақат уларнигина эмас, балки атрофдагиларни ҳам сергакликка чақиради. Зеро, оиладаги фарзандлар соғлом, маҳалла тинч экан, жамият мустаҳкам бўлади.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
ЎзДЖТУ талабаси



2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

«ОБОД» МАҲАЛЛАНИНГ ОБОД ХОНАДОНИ

Ҳар бир инсон бахтни ўзича тушунади. Оналар учун эса энг катта бахт — фарзандларини вояга етказиб, камолини кўриш. Чеварлик касбидан икки ўғил, тўрт қизни вояга етказган Юнусобод туманидаги «Обод» маҳалласида яшовчи Замира ая Холитовани бахтли оналардан бири дейиш мумкин. Чунки онахон 6 нафар фарзандлари, олтмиш нафар набира ва эваралари қуршовида умргузаронлик қилмоқда.

— Президентимиз томонидан 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилинганини эшитиб ниҳоятда хурсанд бўлдим, — дейди ая. —Кексалари эъзозланган юрт фаровон бўлади. Ўғил-қизлари эса таълим-тарбияли бўлади. Очиғини айтсам, йилимизга шундай ном берилиши бежиз эмас. Ёши катталарга ҳурмат кўрсатиш, уларни эъзозлаш азалий қадриятларимиздандир. Минг шукрки, мустақиллигимиз туфайли қадримиз кўкларга кўтарилди. Давлатимиз томонидан ёши катталарнинг дам олиши ва даволаниши учун ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги, фарзандларимизнинг ўқиб-ўрганиши, касб-ҳунар эгаллаши йўлида қилинаётган эзгу ишларни кўриб қувонаман. Меҳнат қилган одам кам бўлмайди. Чеварлик қилдим. Бу касб нозик бўлиб, тўқиган нарсангизга гўзаллик яратишга ҳаракат қиласиз. Фарзандларимизни ҳам меҳнатга қайишадиган, билимли, ҳунарли қилиб тарбияладик.

«Обод» маҳалласида яшовчилар бу оилага ҳавас қилишади. Сабаби, аянинг фарзандлари мўмин-қобил. Ўғиллари Мирвоҳид ва Баҳодир, қизлари Дилбар, Санобар, Дилдора ва Дурдоналар элга нафи тегадиган инсонлар бўлиб етишишди. Улар маҳалла ободлигига баҳоли қудрат ёрдам беришяпти.

Обод юртнинг «Обод» маҳалласида яшовчи Замира ая хонадонидаги бундай фаровонлик бизнинг ҳам кўнглимизни шод қилди. Зеро, кексалари эъзозланаётган ана шундай юртда яшаш ҳар бир инсон учун катта бахтдир.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
Равшан ШОДИЕВ

Ўзига бек халқимиз азал-азалдан файз-тароватли маҳаллаларда аҳил ва тотувликда яшаб келмоқда.

МАСЛАҲАТЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида: «...Азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўю томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз» — дея алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Ҳақиқатан ҳам маҳалладошларининг оғирини енгил қилиш, инсонларнинг «иссиғи ва совуғида» ҳамдарду елкадош бўлишда фуқароларнинг «ҳам отаси», «ҳам онаси» сифатида одамларнинг «юки»га елкадош бўлаётган маҳалланинг ўрни ва роли беқиёсдир.

Ана шундай эзгу ишлар ҳамжиҳатликда амалга оширилаётган маҳаллалардан бири Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалласидир.

Буюк бобокалонимиз Абу Наср Форобий X асрда ёзиб қолдирган «Фозил кишилар шаҳри» асарида шаҳарни бошқарувчи ҳокимларнинг фазилатлари тўғрисида тўхталиб: «У табиатан салоҳиятли, жисмонан ва маънан соғлом, уддабурон, сезгир, хотираси кучли, фикрини чиройли ифодалай олиши, доимо билим олиши, адолатли, тўғри сўз бўлиши, ҳақиқатгўйларни севиши, ёлғончилардан нафратланиши, ўз қадрини билиши, эзгуликка ва сахийликка интилиши, бойликка қизиқмаслиги, ёвузлардан нафратланиши, яхши нотиқ, адолатда туғишганларию бегоналарга бирдай бўлиши керак», деб ёзган сўзлари ҳозир ҳам ўз кучига эга. Бу пурҳикмат сўзлар нафақат барча тоифадаги раҳбарларга, шу жумладан маҳалла раисига ҳам таалуқлидир.

«Илғор» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Аҳмаджон Зокировда ҳам ана шундай фазилатлар мужассам бўлганлиги учун ҳам маҳалладошлари юксак ишонч билдирганлари ҳолда оқсоқолнинг ортидан эргашмоқдалар.

Маҳаллада бугунги кунда 6 минг 130 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ушбу ҳудудда 132-умумтаълим мактаби, озиқ-овқат, хўжалик моллари дўконлари, газ таъминоти бўлими идораси, МК «Ватанпарвар» ташкилоти, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси ва бошқа корхона, ташкилотлар жойлашган.

Маҳалла гузарида 49-алоқа бўлими, банк, маънавият ва маърифат маркази, хотин-қизлар комиссиялари, маҳалла посбони сардори ва бошқалар учун хоналар мавжуд. Шу ерда оталар чойхонаси ва сартарошхона ҳам ишлаб турибди. Гузардаги маҳалла идораси доимо фуқаролар билан гавжум.

Маҳалламизда яраштириш, тўй-маъракалар ўтказиш, ёшлар билан ишлаш, маърифат ва маданият, вояга етмаганлар билан ишлаш каби 11та ҳар хил комиссия фаолият юритади. Бу комиссияларнинг ҳар қайсиси тузилган режалари асосида иш юритиб, вақти-вақти билан гузарда йиғилиб муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот бериб борадилар.

Маҳаллада намунали оилалар кўпчиликни ташкил этади. Ана шундай оилалардан бири Саидакмал Насриддиновлар хонадонидир. Саидакмал (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУнинг физика-математика факультетини тамомлаб, дастлаб ушбу олий ўқув юртида, сўнгра Тошкент Давлат техника университетида фаолият кўрсатди ва физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олди. Ҳозирги пайтда кексалик гаштини сураётган домланинг 3 нафар фарзанди ҳам ота изидан бориб, физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини эгалладилар.

Маҳалладаги пири бадавлат хонадонлардан бирида 90 ёшли Мақсудхўжа ота Исломқуловлар оиласи истиқомат қилади.

Қиссадан ҳисса шуки, маҳалламизнинг ибратли анъаналари, меҳнатсевар ва меҳмоннавоз фуқаролари, ташаббускор ва изланувчан ёшлари, мунис онахону мўйсафид отахонлари, қўйингчи, 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳоли «Илғор» номини оқлашга ва шарафлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Ушбу гўшада ёшлар камолоти йўлида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳалла ҳудудида жойлашган 132-мактабнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида «Соғлом бола — юрт келажаги», «Одобли бола элга манзур» мавзуларида суҳбатлар ўтказиб турилади. Коллежни битирган ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Маҳалла маслаҳатчиси Назира Иноятова ташаббуси билан тикувчилик тўгараги ташкил этилган бўлиб, бичиш-тикиш, сўзана, турли хилдаги кашта турларини тикиш ишлари йўлга қўйилган. Мазкур тўгарак аъзолари туман, шаҳар миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Ушбу жонкуяр маслаҳатчи 2013 йилда Президентимиз Фармонига кўра, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган. Маҳалла муваффақиятларида оқсоқол А.Зокировнинг хонадонларда кўпроқ бўлиши, халқ орига яраши, дардига малҳам бўлиш, муаммоларни ўрнида ҳал этиш каби заҳматкашлик хислатлари мавжуд.

Кумрихон СУЛТОНОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалласининг маърифат ва маданият комиссияси раиси

Мулоҳаза

БОЛА ТАРБИЯСИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Оила таянчи — аёл. Фарзандлар, айниқса, қизлар тарбиясида оналар муҳим роль ўйнайди. Чунки аёл отага нисбатан қизларга яқинроқ, улар билан кўпроқ мулоқотда бўлади. Демак, қайсидир маънода эртанги кунимизнинг қандай бўлишига биз аёллар, оналар кўпроқ масъулмиз. Бизнинг фарзандимизга ҳар жиҳатдан берган таълим-тарбиямиз, тўғри йўлга сола олганимиз, одоб-ахлоқли қилиб вояга етказганимиз ҳосилидан аввало биринчи бўлиб ўзимиз баҳраманд бўламиз.

Шундай экан, биз оналар болажонларимизга ёшлигидан бошлаб тўғри, пишиқ-пухта ва миллий маданиятимизни сингдирган ҳолда тарбия беришимиз лозим. Яқинда «Оқшом» газеталарида худди шу масалалар ўз аксини топган. «Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Тошкент шаҳрида интернет тармоқлари ва компьютер орқали хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорларини ўқиб қолдим. Буни мен жуда вақтида кўтарилган, долзарб масала деб биламан. Чунки фарзандларимиз келажагимиз, кексайиб, ёрдамга, қўллаб-қўлтиқлашга муҳтож бўлганимизда бизларга суянчу таянч бўлади. Шундай экан, қай бир соҳада бўлмайлик, она деган шарафли номга сазовормизми, фарзандлар тарбиясига астойдил киришайлик. Нега оилада ажримлар кўп? Бу оғриқли савол мени мудом қийнаб келади. Бунинг бош сабабини қизларимиз тарбиясидан излаш керакдир балки.

Ўйлайманки, келажагимиз, бошлаган хайрли ишларимизнинг давомчилари бўладиган фарзандларимиз тарбиясига қаратилган юқоридаги қарорларнинг мазмун-моҳияти аввало маҳаллаларда, барча ўқув муассасаларида ўрганилса, айримлар унута бошлаган андиша, тарбия, одоб-ахлоқ мезонларига яна бир бора кўз ташлаб, ёшларимизга қайта-қайта мана шулардан сабоқ берсак айни муддао бўларди. Менимча, оналарнинг тилаги битта: у ҳам бўлса фарзандим бахтли-тахтли бўлсин, кексайганда элу юртнинг дуосини олиб қаддимни кўтарсин дейди. Бунга эришиш учун эса ниҳолдан гуркираган боғ яратишимиз, «бир болага етти қўшни ота-она» деган, йиллар синовидан ўтган пурҳикматни унутмаслигимиз, унга амал қилиб, биз катталар огоҳ, ҳушёр бўлмоғимиз керак. Тарбияда чарчамаслик эртага пушаймонда қолгандан минг марта афзалдир.

Фарида АТАМЕТОВА,
«Бўстон» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Сўранг, жавоб берамиз

Мамлакатимиздаги мавжуд божхона қонунчилиги ҳақида билмоқчи эдим. Ушбу соҳа ходимларига хизмат вазифаси доирасида қандай ҳуқуқлар берилган?

А. Артиқов,
Юнусобод тумани

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари давлат қўмитаси ҳисобланиб, бу борада учта божхона қонунлари мавжуд.

Биринчиси – Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни, иккинчиси – Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуни ҳамда учинчиси – Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексидир.

Божхона органлари қонунларни ижро этувчи ҳокимият ҳисобланиб, ушбу қонунлар асосида ўз фаолиятини олиб боради. Божхона органларига Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига асосан, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ҳамда суриштирув органи мақоми берилиб, уларда тезкор – қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколати мавжуд.

Божхона органлари шунингдек, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида ҳам олиб борадилар. Ушбу қонун ҳужжатлари божхона органларига тааллуқли бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Фармойишлари ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган Йўриқнома, Тартиб ва Қоидалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддаси ва 246-моддаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексидаги тартиб-қоидаларга асосан, божхона қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳақида ҳуқуқбузарликлар белгиланган бўлиб, божхона органлари ушбу ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва қонуний чора кўришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 38 ва 329-моддалари талабларига кўра, божхона органлари жиноят аломатлари бор ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатиш, суриштирув ҳаракатларини олиб бориши мумкин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 262-моддасига кўра, тааллуқли маъмурий ишларни кўриб чиқиш ёки тегишлилиги бўйича юбориши мумкинлиги белгиланган.

Шоҳиста ЗУФАРОВА,
Дилдорахон АБДУЛЛАЕВА,
Учтепа туманидаги ДНИ нотариуслари

* * *

Жиянim 17 ёшда. Фуқаролик паспортини олган. Соғлиғим етарли эмаслиги туфайли ўзимга тегишли бўлган машинамни жиянимга ёрдамлашиши учун бермоқчиман. Агар мумкин бўлса буни қай тартибда расмийлаштириш лозимлигини тушунтирсангиз.

С.Юсупов,
Олмазор тумани

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги қарори билан тасдиқланган «Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ:

Автомототранспорт ишончномаларини расмийлаштириш гербли – махсус бланкаларда амалга оширилади. 18 ёшга тўлмаган шахсларга автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Низомига мувофиқ Нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда автомототранспорт воситаси рўйхатга олинган жойдаги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида ҳисобга қўйилиши керак.

Нотариус автомототранспорт воситасини тасарруф этиш ҳуқуқи билан ишончномани тасдиқлаш пайтида ишончнома берувчи эри ёки хотинининг мулкни тасарруф этишга розилиги ҳақидаги ёзма аризаси олиниб, имзоси шаҳодатлантирилиши белгиланган.

Нодира САГАТОВА,
Чилонзор туманидаги 10-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Отамдан қолган уй-жойни мерос иши очиб, расмийлаштирмоқчи эдик. Мерос қаерда ва қандай тартибда очилади? Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, қонунан қандай йўл тутилиши мумкин?

Ш.Қодирова,
Миробод тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1117 – моддасига асосан: Мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой ҳисобланади.

Мерос фуқаронинг вафот этиши ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади. Мерос қолдирувчи вафот этган, деб эълон қилинганда эса агар суднинг қарорида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, «вафот этган» деб эълон қилиш тўғрисидаги Суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт деб ҳисобланади. Агар биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир сутка, яъни 24 соат ичида вафот этган бўлсалар, улар бир вақтда вафот этган деб ҳисобланадилар. Мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка чақирилиши белгиланган.

Шоҳида Азимова,
Камила Зуфарова,
Мирзо Улуғбек туманидаги ДНИ нотариуслари

* * *

Опамнинг турмуш ўртоғи бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган эди. Шу сабабли опам икки нафар болаларига боқувчисини йўқотганлик нафақасини олиб келади. Агар опам бошқа оила қурса, бундай ҳолатда нафақа тўлови тўхтатиладими?

Т.Аҳмедов,
Бектемир тумани

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддасига мувофиқ:

Ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр ёки хотин ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишлаётган бўлса, улар оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланади ва боқувчисини йўқотганлик нафақасини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

«Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига асосан: эр ёки хотиннинг вафот этганлиги сабабли тайинланган нафақанинг уни олаётган фуқаро янги никоҳдан ўтганида ҳам сақланиб қолиниши белгиланган.

Насиба РЎЗИКУЛОВА,
Юнусобод туманидаги 4-сонли ДНИ нотариуси

Реклама ўрнида







Реклама ўрнида

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни баҳор ва янгиланиш байрами — Наврӯзи олам билан чин қалбдан табриклаймиз.

Баҳорий кайфият ва мустаҳкам соғлиқ, тинчлик ва хотиржамлик доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

Халқимиз турмушининг обод бўлиши йўлида олиб бораётган ишларингизга омад ва зафарлар тилаймиз.



"TOSHKENT AGRO FOOD" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

"Асака" банк ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ жамоаси
Сизларни НАВРЎЗ
байрами билан қутлайди ва қуйидаги миллий валютадаги
янги муддатли омонат турини таклиф этади:

«НАВРЎЗ 2015»
Сақланиш муддати – 5 ой,
ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат
муддати тугагандан (5 ойдан) сўнг тўлаб берилади.

"Асака" банк сармоянгизнинг сақланиши
ва кўпайишини кафолатлайди.
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги
омонатларини кафолатлаш
фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз :
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун: «Асака» банк
Тошкент шаҳар филиали телефонлари: 120-83-86, 120-83-35.

Хизматлар лицензияланган.

XALQ BANKI

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ
ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ



ҳамшаҳарларимизни Наврӯз умумхалқ
байрами билан чин кўнгилдан муборакбод этади.
Ушбу кувончли кунларда хонадонингизга тинчлик,
файз-барака, оилавий бахт,
дастурхонингизга тўкин-сочинлик тилайди.
Диёримиз осмони мусаффо,
турмушимиз янада фаровон бўлсин!



UZTELECOM

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК
"ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН
ТАРМОҒИ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

яратувчанлик завқи билан
яшаётган сиз азизларни кириб
келаётган яшариш, янгиланиш
ва табиатнинг уйғониш айёми
— Наврӯз байрами билан
самимий табриклайди.
Наврӯзи олам халқимиз
дастурхонига тўкин-сочинлик,
хонадонларимизга файзу
тароват олиб келсин.

Реклама ўрнида

Huvaydo mebel

АЗИЗ ХАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Барчангизни халқимизнинг энг қадимий ва ҳамиша навқирон, уйғониш ва янгиланиш рамзи сифатида бетакрор гўзаллиги билан юртимизга кириб келаётган Наврўз умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этамиз.

Ушбу қутлуғ айём муносабати билан Сизга ва оилангиз аъзоларига куч-ғайрат, шижоат ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

Наврўзи олам ҳаммамизга муборак бўлсин!

"ҲУВАЙДО МЕБЕЛЬ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Сифатли ва замонавий мебелларни харид қилишни истасангиз қуйидаги манзилларда жойлашган дўконларимизга мурожаат қилинг: "HUVAYDO" савдо уйи, Беруний ва Фаробий кўчалари чорраҳаси.
Тел: 246-31-33, 246-31-34.
Х.Қаримов кўчаси, 54-уй. Тел: 218-53-89, 246-46-45, факс: 218-11-61.
Муқимий кўчаси, 1-А уй. Тел: 253-99-44





Маҳсулотлар сертификатланган.

htb hi-tech bank

Диёримиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин, хонадонингиздан файз аримасин. Ўзаро меҳр-оқибат, келажакка ишонч ва шижоат Сизларни асло тарк этмасин.

НАВРЎЗ БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

ХЁАТБ «HI-TECH BANK» ЖАМОАСИ

DAVR-BANK

ХАТБ "DAVR BANK" ЖАМОАСИ

қадрли ватандошларимизни тўкин-сочинлик, хотиржамлик, осойишталик, тотувлик рамзи бўлган Наврўз байрами билан самимий муборакбод этади. Эл-юрт ободлиги, халқ фаровонлиги, жамиятимиз тараққиёти йўлидаги эзгу ишларингизда омад ва муваффақиятлар ёр бўлсин!

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 12 февралдаги 17кПО-сонли буйруғига асосан, «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг очиқ аукцион савдоларига чиқарилган Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, 13а-уй манзилида жойлашган Пойтахт бизнес мажмуасининг бино қисми аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз.

Асос: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 19 мартдаги 40-кПО-сонли буйруғи ва 2015 йил 19 мартдаги 06/66 х/х-сонли хати.

Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:(0371)228-80-26. Лицензия: RR-0001.

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 26 майдаги 129кПО-сонли ва 2015 йил 9 февралдаги 16кПО-сонли буйруғларига асосан, «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг очиқ аукцион савдоларига чиқарилган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 62-уй манзилида жойлашган, (Собиқ Фан ва технологиялари марказининг) бино ва иншоотлари, ҳамда, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-а уй манзилида жойлашган, Собиқ «Нур» мажмуаси бино-иншоотлари аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз.

Асос: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 12 мартдаги 06/50х/х-сонли хати.

Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-80-26. Лицензия: RR-0001.

Тарихсиз келажак йўқ. Албатта, ҳар бир халқнинг, миллатнинг, давлатнинг, шунингдек, ҳар бир оиланинг тарихи, ўтмиши бор. Бусиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Бугунги кунимизни ўтмиш билан боғлаш, бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ҳужжатларни сақлаш ва келажак авлодларга етказишда архивлар фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

АРХИВ ХИЗМАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ҳозирда мамлакатимизда тарихий асарларни, моддий ва маънавий бойликларни асраётган, аждодлардан авлодлар сари етказиб бераётган кўплаб архивлар фаолият кўрсатмоқда. Тошкент шаҳар Давлат архиви ҳам ана шундай масканлардан бири.

Кейинги йилларда бу ерда фуқароларга керакли маълумотларни етказиш ҳамда улардан келиб тушадиган мурожаатларга тез ва аниқ жавоб қайтариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари» тўғрисидаги Қонуни ижроси юзасидан Тошкент шаҳар ҳудудий Архив иши бошқармаси тизимидаги Тошкент шаҳар Давлат архиви ва Тошкент шаҳар Идораларараро шахсий таркиб ҳужжатлари марказий архивида бир қатор ишлар бажариб келинмоқда.

Тошкент шаҳар Давлат архиви ва Тошкент шаҳар ИШТҲМ архивида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларни қабул қилиш ҳамда архивлар томонидан фуқаролар ва ташкилотлардан келиб тушаётган сўровлар ижросини таъминлаш ишлари юқорида қайд этилган қонун талаблари асосида амалга оширилади.

Ушбу қонунга кўра Тошкент шаҳар ҳудудий Архив иши бошқармасининг буйруғи билан «Тошкент шаҳар ҳудудий Архив иши бошқармаси тизимидаги архивларда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларни қабул қилиш тартиби» ҳамда «Жисмоний ва юридик шахсларни бошқарма ва унинг тизимидаги архивларда қабул қилиш жадвали» янгиланиб, фуқароларга қулай жойга ўрнатилди.

Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушадиган ижтимоий-ҳуқуқий сўровлар, меҳнат стажи, иш ҳақи, тақдирланиш, ўқиш даврини тасдиқлаш, васийликка олиш ва бошқа мурожаатларни тез ва аниқ ҳал қилиш учун алоҳида масъул ходимлар бириктирилган бўлиб, улар бу ишни белгиланган тартибда амалга ошириб келмоқдалар.

Жумладан, жорий йилнинг январь-февраль ойларида Тошкент шаҳар ҳудудий Архив иши бошқармаси тизимидаги Тошкент шаҳар Давлат архивига 1788 та ижтимоий-ҳуқуқий мавзудаги сўровлар келиб тушган. Ушбу сўровларнинг барчаси ижобий ҳал қилиниб, тегишли жойга юборилган.

Шунингдек, ўтган икки ой мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ва бундан ташқари Россия, Украина, Қозоғистон ва бошқа МДҲ давлатларидан 517 та фуқароларнинг мурожаатлари мазмунидаги хатлар келиб тушган. Уларнинг ижроси ўз вақтида таъминланиб, жавоб хатлари юборилмоқда.

Барча соҳаларда бўлгани каби архивлар фаолиятида ҳам ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш такомиллашиб бормоқда. Тошкент шаҳар ҳудудий Архив иши бошқармаси ягона интерактив давлат хизматлари порталининг www.my.gov.uz веб-сайти орқали бевосита сўровлар, мурожаатлар, шикоят ва аризалар қабул қилиниши йўлга қўйилди. Ўтган икки ой мобайнида веб-сайт орқали 200 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушган. Уларнинг 31 таси йўналишидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва бошқа муассасаларга юборилди, 134 тасига тегишли тавсиялар берилди.

Феруза ДАДАЕВА,
Тошкент шаҳар Давлат архиви директори

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ЮКСАК ҚАДРИЯТ НАМУНАСИ

Кекса авлод вакилларини қадрлаш — халқимизга хос эзгу фазилатдир. Юртимизда ёши улуғ инсонларга моддий-маънавий ёрдам бериш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишига айланди.

Бугун ҳар лаҳза тинч-осойишта кунларимиз бардавом бўлишини дуо қилаётган, ёшларни эса Ватанни қадрлашга ундаётган ёши улуғ кексаларимизнинг ҳаёт йўли ҳаммамиз учун ибрат бўлиб хизмат қилмоқда. Ёши улуғ инсонларни қадрлаш, эъзозлаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган юксак қадриятдир.

2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши ёши улуғ кексаларимиз қатори бутун халқимизни қувонтирди. Дарҳақиқат, бундай эътибор ва ғамхўрлик Юртбошимиз раҳнамолигида инсон қадр-қиммати ва шаънини улуғлаш, манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий ифодаси, халқимизга хос инсоний фазилатларнинг юксак намунаси сифатида том маънода юртдошларимизнинг дилидаги эзгу ўй ва фикрларини намойиш этмоқда.

Катталарга иззат-икром, кичикларга меҳр, ота-оналарга эъзоз каби инсонни улуғлайдиган, ахлоқий, маънавий жиҳатдан гўзал ва баркамол қиладиган қадриятларимизнинг, айниқса ёшлар қалбидан мустаҳкам ўрин олганлиги қувонарли ҳолдир. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни – Конституцияда фарзандларнинг жамият, оила, ота-оналар олдидаги инсоний бурчлари ва масъулиятларининг нималардан иборатлиги миллий қадриятларимиздаги асосий ғоя ва қоидаларга асосланиб белгилаб берилган. Шунингдек, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Тошкент шаҳридаги имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежида 500 га яқин жисмоний имкониятлари чекланган ўқувчилар таълим олиб, касб-ҳунар сирларини ўрганмоқдалар. Ўқув юртида ёшларга «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури мазмун-моҳияти юзасидан кенг қамровли тушунчалар берилиб, ишлаб чиқилган режага асосан уйимиз фариштаси бўлган қарияларимизни қадрлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш юзасидан турли хил тадбирлар, саҳналаштирилган бадиий кечалар ташкил этилмоқда. Ўтказилаётган тадбирлар ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш билан бир қаторда уларнинг кекса авлод олдидаги бурч ва масъулиятларини янада чуқур англашларига ёрдам беради деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, инсон борки, ўзидан ҳамиша яхши ном қолдириш учун яшайди. Бу боқий тамойил одамзоднинг куч-қувватга тўлган ёшлик даврида ҳам, кексайган чоғида ҳам уни тарк этмайди. Шундай экан, бугун юртимизнинг ҳар бир жабҳасида эришаётган ютуқларимизда мўътабар қарияларимизнинг ҳам хизматлари беқиёс эканлигини унутмаслигимиз, ҳар қадамда уларнинг дуоларини олиб, хизматларига камарбаста бўлишимиз яхши фазилат. Чунки, дуо билан эл кўкаради, дейдилар. Ана шундай пиру бадавлат отахон-онахонларимиз аввало, бизнинг эътиборимиз, меҳримизга муҳтож.

Динора ГАЗИБАЕВА,
Тошкент шаҳридаги имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

Реклама ўрнида

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Барчангизни эзгулик айёмининг бетакрор жозибаси — Наврўз умумхалқ байрами билан чин қалбдан табриклаймиз.



Сизларга сиҳат-саломатлик, оилангизга қут-барака, фаровонлик ва шодлик тилаймиз. Баҳорий хуш кайфият доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

ТОШКЕНТ КЎПРИК ХЎЖАЛИГИНИ САҚЛАШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДАЛАНИШ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!



Барчангизни яшариш ва янгиланиш рамзи, баҳор ва уйғониш фасли, азалий қадриятларимиз тимсоли – Наврўз умумхалқ байрами билан чин қалбимиздан қутлаймиз.

Юртимизга она-табиатнинг тенгсиз лутфкаси — Наврўзи олам кириб келиши муносабати билан Сизларга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат тилаймиз. Хонадонингиздан файзу барака аримасин.

Наврўз шодиёналари қутлуғ бўлсин!

«ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

«SHERBEK-SAVDO»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўлкамизга файз-тароват ила кириб келаётган Наврўз умумхалқ байрами билан барчангизни қизғин муборакбод этиб, Сизга энг самимий меҳр ва бахт-саодат тилайди.

Толеингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Азиз ҳамшаҳарлар!

Сизларни бетакрор баҳор гўзаллиги билан юртимизга кириб келаётган Наврўз умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этамиз.

Ушбу қутлуғ айём — ободлик ва қут-барака рамзи бўлмиш Наврўзи олам муносабати билан барчангизга куч-ғайрат, шижоат ва мустаҳкам соғлик тилаймиз.

Наврўз ила гўзал диёримиз нурга тўлсин!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

Ўлкамизда Наврўз нафаси





Ислом Исмоилов олган суратлар

Янгиланиш ва яшариш рамзи бўлмиш Наврўзи олам аждодларимиз неча минг йиллардан буён нишонлаб келаётган гўзаллик ва нафосат айёми ҳисобланади. Бугун юртимизнинг қай гўшасига қараманг, Наврўз шукуҳи кезиб юрганини ҳис қиласиз.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Корхона ва ташкилотлар, маҳалла ва таълим муассасаларида Наврўз айёмини кўтаринки кайфиятда нишонлаш мақсадида турли хил маънавий-маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сергели Ўқув СТК унитар корхонасида ҳам «Ассалом, Наврўзи олам!» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган тадбирда Сергели туман ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармасининг туман бўлими ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими вакиллари, фахрий ҳарбийлар ҳамда ташкилот қошида фаолият кўрсатиб келаётган «Жасорат» ватанпарварлик тўгараги аъзолари қатнашди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, эртанги кунимиз эгаларини ҳар томонлама етук, комил инсон қилиб тарбиялашда бу каби учрашувлар, тадбирларнинг ўрни катта, — дейди Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сергели Ўқув СТК унитар корхонаси бошлиғи Саидакром Ғаниев. — Юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда ёши улуғ отахон-онахонларимизнинг ўгитлари, маслаҳатлари муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда 300-умумтаълим мактабининг иқтидорли ўқувчилари ҳамда 589-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг чиқишлари барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Элимизнинг севимли байрами бўлмиш Наврўзга бағишланган тадбирни юқори савияда ўтказишга яқиндан ёрдам берган 300-умумтаълим мактаби ҳамда 589-мактабгача таълим муассасаси раҳбариятига «Ватанпарвар» ташкилоти Сергели Ўқув СТК унитар корхонаси томонидан диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

АҲИЛЛИКДАН ЯШНАГАН МАНЗИЛЛАР

Маҳалла ҳудудида мўъжаз боғ барпо этилиб, мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилди. Йўл ёқаларидаги дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Кўча юзи супуриб-сидирилди, чор-атрофга анвойи гуллар экилди. Янги бунёд этилган болалар майдончаси кичкинтойлар билан гавжум.

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла аҳлининг ҳамжиҳатликда ҳашар ўтказиши яхши анъанага айланган.

– Маҳалламизда баҳор келиши билан ҳашар уюштиришга киришамиз, – дейди фуқаролар йиғини раиси Ҳусан Ниғмонов. – Айниқса, Наврўз байрами арафасида бу борадаги ишлар янада жонланади. Маҳалламизда йигирмага яқин турли миллат ва элат вакиллари яшайди. Биргалашиб ҳашарлар ўтказилиши одамлар ўртасидаги аҳиллик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди. Маҳалла ҳудудини ободонлаштириш мақсадида 800 туп мевали, 650 туп манзарали, 5000 туп гул кўчати ўтқазиш ишлари бошлаб юборилди. Наврўзолди умумхалқ ҳашаридан сўнг нуронийларимиз учун байрам дастурхони атрофида Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари иштирокида маданий-маърифий тадбир ўтказишни режалаштирганмиз.

«Гулистон»да тўрт мингдан ортиқ аҳоли, жумладан, етмишдан зиёд ёши етмиш ва ундан ошган отахон ва онахонлар истиқомат қилади. Маҳалладаги ишларни ўз вақтида, тартибли ташкил этишда кексалар маслаҳатгўй.

Маҳалла ҳудудидаги 327-умумтаълим мактаби қошидаги спорт мажмуасида серфарзанд, эҳтиёжманд оилаларнинг ўғил-қизлари учун волейбол, стол тенниси, футбол, шахмат-шашка тўгараклари ташкил этилди. Янги новвойхона, сартарошхона, савдо шохобчаси, пойабзал таъмирлаш устахонаси кўпчиликнинг, айниқса, нуронийларнинг юмушларини енгиллатишга хизмат қилмоқда.

52-оилавий поликлиника шифокорлари нуронийлар хизматида. Наврўз арафасида ёлғиз кексаларга, серфарзанд оилалар, боқувчиси бўлмаган хонадонларга дори-дармон, кийим-кечак, кундалик рўзғор буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотларидан ёрдам кўрсатишга доир ишлар янада авж олган. Маҳаллада ташкил этилган «Ораста қизлар» тўгараги қизлари бемор кексалар ҳолидан хабар олиш, уларнинг уй юмушларига кўмаклашишда фаол.

«Гулистон» маҳалласидаги аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, кексаларга ҳурмат-эътибор кўрсатиш, экологик муҳит барқарорлигини сақлашга оид ибратли ишлар «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари», «Энг фаол диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» каби республика кўрик-танловларининг туман, шаҳар босқичларида алоҳида эътироф этилган.

– Инсон ёши улғайгач меҳр-эътибордан, ён-атрофдагиларнинг ғамхўрлигидан қувват олиб, умрига умр қўшиларкан, – дейди саксон ёшли Тўлқин Орипов. – Кексаларнинг саломатлигини асраш, уларга ҳар жиҳатдан кўмак кўрсатиш, рағбатлантиришга оид ишлардан кўнглимиз кўтарилмоқда. Тинчлигимизга, мустақил диёримизга кўз тегмасин, юртимиздан қутбарака аримасин, дея дуодамиз.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Кўклам кўкатлари

БАҲОРИЙ НЕЪМАТЛАР ҚУВВАТ БЎЛАДИ

Баҳор ўлкамизга ўз сепини ёйган, унинг ифорлари бутун борлиқни маҳлиё этмоқда. Ушбу фасл кўклам шамоли, сочларига гуллар таққан ўзбек қизларининг сумалак атрофида лапарлар айтиши-ю майса устида бел олишган йигитларнинг шижоати ила кириб келди. Ватанимизга янгиланиш фаслининг ана шундай шукуҳ билан кириб келиши эса қалбларга ўзгача баҳорий кайфият улашмоқда.

Баҳор фаслида табиатда содир бўладиган ўзгаришлар ўз навбатида инсон организмига ҳам таъсир кўрсатиши табиийдир.

Шу даврга келганда аҳоли ўртасида шамоллаш, вирусли хасталиклар, томоқнинг яллиғланиши — ангина каби касалликлар кўп қайд қилинади. Бундай ҳолларни халқимизда «илик узилди» ибораси билан тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Бизнингча, баҳор фаслида кузатиладиган табиатдаги кескин ўзгаришлар сабаб бўлса, иккинчидан инсон истеъмол қиладиган сабзавотлар ва мевалар таркибидаги мавжуд витаминларнинг камайиб кетиши бунга олиб келади.

Баҳорги қувватсизликка қарши ҳозирги кунда она табиатнинг Наврўзи туҳфа қилиб етказган ёввойи ошқўқлардан — ялпиз, жағ-жағ, кийик ўти, отқулоқ, исмалоқ, семизўтлардан турли хил сомсалар, чучвара, манти, хоним каби таомлар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Бундай таомлар аҳоли ўртасида баҳорда кузатиладиган гиповитаминоз касаллигини йўқотишда катта самара беради. Чунки номлари юқорида келтирилган ошқўқлар таркибида саломатлик учун жуда зарур бўлган турли хил витаминлар, микроэлементлар, биологик фаол моддалар кўпдир. Улар айниқса, аскорбин кислотасига, витамин В1, В-РР, Р, К ва каротинларга бой.

Кузатишлардан шу нарса ойдинлашадики, эрта баҳордаги паст ҳарорат, юқори намлик, нисбатан тоза ҳаво ёввойи ошқўқлар таркибида одам организми учун зарур витаминларнинг кўп йиғилишига сабаб бўлар экан.

Кези келганда яна шу нарсани айтиш керакки, кўпчилик ошқўқлар таркибидаги аскорбин кислотасининг миқдори эрта тонгдан то шомга қадар ортиб бориб, сўнгра пасаяр экан.

Ошқўқларни қанчалик майда қилиб тўғраб, ёғ билан биргаликда пиширсангиз, улардаги каротин яхши ажралиб кўпроқ фойда келтиришини унутманг. Шунинг учун кўк сомса, мантиларга думба ёғи қўшилиши мақсадга мувофиқдир. Ошқўкларни иложи борича озода бўлган, автомобиль, темир йўлларидан, саноат корхоналаридан узоқроқ жойлардан теришга алоҳида эътибор беринг, акс ҳолда улар фойда ўрнига зарар келтириши мумкин.

Наврўзда маҳаллаларда онахонларимиз томонидан кўпчилик иштироки билан тайёрланадиган сумалакни қувват дорининг ўзгинаси десак муболаға бўлмаса керак, чунки ўстирилган буғдой донидан тайёрланган сумалак таркибида жуда ҳам фойдали Е витамини бор.

Бугунги кунда сумалак ўзбек халқининг энг севимли баҳорий таомларидан бири саналади. Унинг саломатликка фойдали озуқа эканлиги исботланган. Буюк бобокалонимиз Ибн Сино «Тиб қонунлари»да ушбу кўклам таоми истеъмол қилинганда қувват ошишини қайд этган.

Дарҳақиқат, олимларимиз томонидан сумалак, ҳалим таркиби ўрганилганда, уларда инсон ҳаёти учун муҳим бўлган витамин ва минералларнинг кўплиги аниқланган. Айниқса, буғдой майсасида унинг донига нисбатан бир неча баробар кўп дармондори бор экан. Бу витаминлар инсон вужудида модда алмашинуви жараёнини яхшилайди, юракка қувват беради, толиқишнинг олдини олади ва руҳий ҳолатни мўътадиллаштиради.

Раъно ЭРГАШЕВА,
Тошкент Банк коллежи ўқитувчиси

Бокс

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ ЛИТВАДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Литва пойтахти Вильнюс шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида халқаро турнир ўтказилди.

Ўнинчи бор ташкил этилган мусобақада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган тўрт нафар ёш боксчимиз ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Вазни 60 килограммгача бўлган боксчилар ўртасидаги баҳсда ҳамюртимиз Бобомирзо Толибов польшалик Карол Ковал, литвалик Эдуардас Стрелкиунас, украиналик Евген Ленковский, финал баҳсида венгриялик Ричард Ковачни енгиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Оғирлиги 64 килограммгача бўлган боксчилар мусобақасида иштирок этган спортчимиз Иқболжон Холдоров россиялик Вячеслав Дробний, литвалик Харолдас Сабунас, украиналик Владимир Музалев, ҳал қилувчи баҳсда венгриялик Марк Контрец устидан ғалаба қозониб, олтин медални қўлга киритди.

91 килограммгача вазн тоифасида рингга чиққан Обиджон Тоҳиров чехиялик Жири Хавел, литвалик Томас Олберкис, польшалик Мачиеж Жураковский финалда мезбон боксчи Арнолдас Тараскевичиусни мағлубиятга учратиб, турнир ғолиби бўлди. Вазни 75 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида эса яна бир ҳамюртимиз Козимбек Мардонов кумуш медаль билан тақдирланди.

Халқаро турнирда учта олтин ва битта кумуш медални қўлга киритган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Н.НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

Шахмат

МУСОБАҚА ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Пойтахтимизда шахмат бўйича биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган «Тошкент опен» IX халқаро мусобақасининг бешинчи тур ўйинлари якунланди.

Турнирда беш имкониятдан тўрт очко жамғарган ФИДЕ устаси Темур Игонин мусобақа жадвалида пешқадамлар сафида бормоқда. У бешинчи партияда Жамшид Шодиқуловни мот қилди. Энди Темур россиялик Василий Папин билан баҳслашади.

Мусобақада мағлубиятсиз ўйнаётган ҳамюртларимиз Алексей Барсов, Акмал Файзуллаев ва Нодирбек Ёқуббоев ҳам 4 очкодан жамғаришган. Тажрибали гроссмейстер Алексей Барсов бешинчи турда Испания вакили Олег Корнеев билан дуранг ўйнаган бўлса, Акмал жамоадоши Одил Раҳмонни, Нодирбек эса Баҳодир Холмирзаевни мағлубиятга учратди.

Ҳозирча россиялик Владислав Артемиев 4,5 очко билан турнирда пешқадамлик қилмоқда. Беларуслик Алексей Александров, Станислав Циханчук, озарбойжонлик Элтож Сафарли, франциялик Владислав Ткачиев, қозоғистонлик Муртас Кажгалиев, россиялик Сергей Волков ва Василий Папин ҳисобида ҳам 4тадан очко бор.

Шахматчиларимиздан Бобур Сатторов, Нодирбек Абдусатторов, Никита Хорошев, Владимир Егин, Роман Голубьев, Сарвиноз Қурбонбоева, Марат Жумаев, Шамсиддин Воҳидов ва Жўрабек Ҳамроқулов ҳисобида 3,5 тадан очко бор.

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида кўра, **20 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

***20 март** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан шарққа томон секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 13-15 даража илиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9223
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 355
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13591 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 23.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ